

ФЕВРАЛЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ҒАРОЙИБ ДУНЁ”

Гуруҳ	Ўрта						
Мавзу	Ўсимликлар билан дўстлашамиз						
Муддати	Февраль ойининг 3-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Умумривожлантирувчи машқларни доимий бажариш орқали болаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Болаларда сенсомоторикани ривожлантириш мақсадида ўйинчоқларнинг турига, шакли ва рангига қараб алоҳида қутиларга жойлашни ўргатиш.					
	Ижтимоий–ҳиссий ривожланиш	Катталарни илтимосини бажаришга, уларнинг эслатишларини кутмай саломлашишгаўргатиш. Оила аъзолари, яқин кишилари ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш. Табиатни асраш ва унга ёрдам бериш ҳақидаги тушунчаларни ривожлантириш. Ўз ҳатти-ҳаракатларига жавоб беришга ўргатиш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Болаларга ўсимликлар ва уларни турлари ҳақида билим бериш орқали уларда табиат , ўсимликларга нисбатан муҳаббатни тарбиялаш. Луғатларни янги сўзлар билан бойитиш. Сўзлардан “кўп”,”кам” маъносида фойдаланишни, катталар томонидан бошланган ҳикояни давом эттиришга ўргатиш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларни ўсимликларнинг асосий эҳтиёжларини таърифлаб беришга ўргатиш (суғориш, тагини юмшатиш, минерал ўғитлар солиш). Йил фасллари ва уларда ўсимликлар ҳаёти мавзусидаги билимларни кенгайтириш.”кўп”,” кам”, “кўпроқ”, “камроқ ”математик тушунчаларини кенгайтириш					
	Ижодий ривожланиш	Лой, расм, аппликация билан шуғулланиш жараёнида рангларни тўғри танлаш, мўйқалам, қайчи, турли бўёқлар билан ишлашда ҳаёт хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни ўргатиш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий -тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, ясаш ва математика	Буюмларни энига ва бўйига солиштириш		Иссиқхона қуриш		Турли катталиқдаги буюмлар акс этган сурат, 1-5 тагача бўлган қушлар акс этган сурат, бўйи ва энига турлича бўлган тўғри тўртбурчаклар, 1 дан 5 гача рақамлар акс этган карточкалар лего, схема, сюжетли расмлар	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Циркка борамиз					Арена, театр ширмаси, цирк афишаси, касса, чипта, мавзуга оид сурат, телефон, ўйинчоқ масҳарабоз, ҳаво шарлари, конфетлар
	Тил ва нутқ	Сурат асосида суҳбат: Қайсар кучукча		Ҳикоя: ”Барно”		“Қайсар кучукча”китоби ва у асосида ишланган суратлар, АКТ	
	Фан ва табиат	Амалий тажриба: онажонимиз учун тувакларга бинафша экамиз					Кичик гул туваклари ёки боклажкалардан ясалган тувак, клеенка, тупроқ, ўғит,бинафша кўчати, сув, тупроқ билан ишлагандан сўнг қўл артиш учун салфеткалар
	Санъат	Лой иши: Чиройли гуллар		Аппликация: Гулдаста		Расм чизиш: Қувноқ кўғирчоқлар	Кўғирчоқнинг андозаси, қора қалам, бўёқ, мўйқалам, ҳар бир бола учун салфетка, А4 ҳажмли қоғоз, пластилин, таёқчалар, (мунчоқлар, бисерлар), табиий материаллар (тухум пўчоғи, ёнғоқлар, ловия ва бош), кесма нақш элементлари, копоқча, тахтақачлар
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ФЕВРАЛЬ. УЧИНЧИ ҲАФТА **ЎСИМЛИКЛАР БИЛАН ДЎСТЛАШАМИЗ**

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Буюмларни энига ва бўйига нисбатан қиёслаш

Мақсад: болалар буюмларни энига ва бўйига қараб қиёслайдилар, “энг узун”, “энг қисқа”, “энг кенг”, “энг тор” ибораларини биладилар ва 5 гача орқа ва олдида санашни машқ қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли узунликдаги қаламлар акс этган суратлар, уй кушлари ва турли катталиқдаги 1-5 тагача ҳайвонлар акс этган суратлар, турли кенглик ва узунликдаги тўғри тўртбурчаклар, 1-5 рақамлари акс этган карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суратни томоша қилиш.
2. Буюмларни катталиги ва саноғи бўйича таққослаш.
3. 5 гача санаш.
4. “Тўғри бажар” таълимий ўйини.

Қўшимча: мантиқий тафаккур, диққат, хотира ва кузатувчанликни ривожлантириш.

Эътиборга молик жиҳати: мустақил ишлашга ўргатиш.

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Иссиқхона қуриш

Мақсад: болалар иссиқхона ҳақидаги тушунчага эга бўладилар, унинг вазифасини биладилар, лево тўпламининг ясси бўлагини устига устунлар ўрнатиб ва уларни юқори қисмларини бирлаштирадилар, устини целофан билан ёпадилар. Иссиқхона қуриш учун нечта устун кетганлигини ҳисобини биладилар. баландлик, кенглик каби тушунчаларни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ, лево тўплами, иссиқхона тасвирланган расмлар, иссиқхоналарда фаолият юритаётган ходимлар ва у ерда ўсаётган ўсимликларнинг расмлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Иссиқхона тасвирланган видео лавҳалар
2. Иссиқхона ва унинг вазифаси ҳақида суҳбат.
3. Иссиқхонани қуриш учун лойиҳа тузиш.
4. Иссиқхона қуриш.
5. Болалар ишларининг муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: иссиқхонага сайёҳат уюштиришни режалаштириш .

Эътиборга молик жиҳати: мустақил фаолиятларнинг ривожлантирилиши.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Циркка борамиз

Мақсад: болалар сюжетнинг мазмунини тушунадилар, мулоқатга киришадилар, нутқда от, сифат ва феълни қўллайдилар, цирк ҳақидаги тушунчаларини ўйин орқали мустаҳкамлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: арена, ширма, цирк афишаси, касса, чипта, телефон, ўйинчоқ масҳарабоз, ҳаво шарлари, конфет ва мавзуга оид суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Цирк ҳақида суҳбатлашиш.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Ўйин жараёнини ташкил этиш.
5. Якун. Рағбатлантириш

Қўшимча: Тошкент циркининг суратини кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: бир-бирини тушуниб ҳаракатланиш.

Тил ва нутқ маркази

Қайсар кучукча

Мақсад: болалар 2-3 та сўздан иборат гапларни тузадилар, гапларни бир- бирига боғлаш орқали сурат ҳақида қисқача ҳикоя тузишга ҳаракат қиладилар, ҳикоя тузишда катталарнинг ёрдамига ҳам таянадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: "Қайсар кучукча" сюжетли расми, уй ҳайвонларининг расмлари, уй ҳайвонларининг овози ёзилган аудио ёзув

Фаолиятнинг бориши:

1. "Қайсар кучукча" суратини томоша қилиш.
2. Расм асосида ҳикоя тузиш.
3. "Уй ҳайвонлари" таълимий ўйини
4. "Кимнинг овози?" таълимий ўйини.

Қўшимча: болаларга кучукчанинг расмини чизиш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: ҳикоя тузишда антоним сўзларни қўлланиш.

Тил ва нутқ маркази

Л. Махмудовнинг "Барно" ҳикояси

Мақсад: болалар ҳикояни тинглаб ҳикоядаги воқеалар ҳақида ўз фикрларини бера оладилар, табиат, ўсимликларга бўлган меҳрни шакллантирадилар , ўз уйида гулзор ташкил этишга ҳаракат қиладилар , дўстларининг камчиликлариغا нисбатан бефарқ бўлмайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзу асосида чизилган суратлар, АКТ .

Фаолиятни бориши:

1. Ҳикояни аудио ёзув орқали тинглаш.
2. Ҳикоя асосида чизилган суратларни томоша қилиш.
3. Ҳикоя мазмуни юзасидан суҳбат.
4. "Яхши ёки ёмон" таълимий ўйини.

Қўшимча: тарбиячи мавзуга оид тез айтишларни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: яхши-ёмоннинг фарқига бориш ва улар ҳақида ўз фикрини билдириш.

Фан ва табиат маркази

Онамиз учун гул экамиз

Мақсад :болалар ўз хоҳишлари билан амалий тажрибада иштирок этадилар, оналари учун гул экиш хоҳишини билдирадилар, тупроқ, гул тувак ҳақидаги тушунчаларни мустаҳкамлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: майда гул туваклари, клеенка, тупроқ, сув, салфеткалар, экишга мўлжалланган гуллар (бинафша, лола пиёзи ва бошқалар).

Фаолиятнинг бориши:

1. Гуллар мавзусидаги расмлар, гулдондаги гуллар, тувакда экилган гулларни кузатиш.
2. Кузатувлар асосида ўз режаларини тузиш.
3. Фаолият учун керакли жиҳозларни танлаш.
4. Амалий жараён ва унинг натижалари.

Қўшимча: экилган гулларни дераза олдида қўйишни таклиф этиш ва уларни парваришлаш кераклигини уқтириш.

Эътиборга молик жиҳати: вазифани тўғри бажаришга эътиборли бўлишлик.

Санъат маркази

Чиройли гуллар

Мақсад: болалар пластилин ёки тузли хамирдан турли техникаларни қўллаган ҳолда композициялар тайёрлашни биладилар, хамир ёки пластинни юмшатиш, чўзиш, эгиш орқали турли шаклларга келтиришга ҳаракат қилади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, хамир, таёкчалар, материал (мунчоклар, бисерлар), табиий материал (тухум пўстлоғи, ёнғоқлар, ловия), нақш элементларини акс эттириш учун шаблон.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гуллар тасвири акс эттирилган табрикномаларни томоша қилиш.
2. “Нима ўзгарди?” таълимий ўйини.
3. Лой ишини бажариш.
4. Болалар ишлари кўргазмаси.

Қўшимча: “Гулнинг баргидан топ” таълимий ўйинини таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: шаклларни билишлари, ижодий тасаввурларни ривожланиши ва ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази**Болалар учун гулли китоблар**

Мақсад: болалар тўғри тўртбурчак шаклидаги предметларни тасаввур қила оладилар, қоғозга тасвирни тўғри жойлайдилар, рангларни ажрата оладилар ва тўғри номланишини биладилар, елимни шаклларга тўлиқ суртиб, ундан тартиб билан фойдаланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А-4 ҳажмли оқ қоғоз, 3Х4 смли тўғри тўртбурчак кесма, 1х8 смли кесма, қўшимча оқ ва рангли қоғозлар ва китоб намуналари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Катта-кичик китобчаларни томоша қилиш, эътиборни китоб шаклига қаратиш.
2. 2Иш жараёни учун рангли қоғозлар ҳамда тайёр китобча танлаш.
3. Китоб муқовасини безатиш учун гул танлаш ва уни жойлаштиришни режалаштириш.
4. Болалар ишларининг муҳокамаси ва кўргазмаси.

Қўшимча: китобларни жовонга териш ва ота-оналарга намойиш қилиш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: ишни бажаришда тартиб ва аниқликка эътибор бериш.

Санъат маркази**Қувноқ қўғирчоқлар**

Мақсад: болаларда рангларни билиш малакаси тарбияланади, тайёр намуналарни белгиланган чизик, нукталар ва бошқа нақш элементларини қўллаб мустақил ҳолда безаш малакаси шаклланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қўғирчоқнинг қоғоздан тайёрланган андозаси, қора рангли қалам, бўёқ, мўйқалам, ҳар бир болага сочиқчалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Сенинг севимли ўйинчоғинг “ мавзусида суҳбат ташкил этиш.
2. Турли қўғирчоқларни томоша қилиш.
3. “Тана қисмларини айт” таълимий ўйини.
4. Болаларнинг мустақил фаолияти.
5. Иш якуни ва рағбатлантириш.

Қўшимча: қўғирчоқлар ҳақидаги шеър ва қўшиқларни айтиш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: жамоа бўлиб ишлаш кўникмаси ва ижодий тасаввурларнинг ривожлантирилиши.